

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

РЎЗНОМА 1928 ИЛ 11 ДЕКАБРАН ЧИҚА БОШЛАГАН



Вилоят ижтимоий-сиёсий рўзномаси

1992 йил 15 февраль, • шанба

№ 33 (10.282). Баҳоси 60 тийин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI VAZIRLAR
MAҲKAMACI XUZURIDAGI ЎЗБЕКИСТОН
RESPUBLIKACISINING TARAQIYET
ISTIQBOLINI BELGILASH
KOMITETINI TASHKIL ETISH
TUGRISIDA**

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг устивор йўналишлари ва истиқболларини белгилаш, бозор муносабатларини шакллантиришга доир иқтисодий ислохотларни фал амалга ошириш, мулкчиликнинг барча шаклларига мансуб корхоналар ва ташкилотларнинг республика иқтисодий мустақиллигига эришишга, жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишга ва шу асосда халқ фаровонлигини оширишга қаратилган баҳамжиҳат ҳаракатларини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий қўмитети негизда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг тараққиёт

истиқболини белгилаш қўмитети ташкил қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг тараққиёт истиқболини белгилаш қўмитети зиммасига қуйидаги вазифалар юклансин:

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг концепцияларини, қисқа муддатли ва истиқболдаги режаларни, катта иқтисодий, ижтимоий ва илмий-техникавий муаммоларни ҳал қилиш, табиий, меҳнат заҳираларидан, вужудга келтирилган ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш борасидаги республика ва минтақаларга оид тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш;

Республика аҳолисининг моддий фаровонлигини оши-

риш, унинг энг ночор табақалари ижтимоий муҳофазасини мустаҳкамлашга оид таклифларни асослаб бериш, халқнинг турмуш даражасини ошириш, меҳнатда фаоллик ва тadbirkorлик имкониятларини кучайтириш, иқтисодий аҳволни соғломлаштириш йўлларини белгилаш;

Республиканинг бозор муносабатларига ўтишида асосий қондалар ва йўналишларни шакллантириш, бозор тармоқлари мажмуини вужудга келтириш, тadbirkorлик ва рақобатчилик ривожлантирилишини рағбатлантириш, хўжалик механизми, бошқарув шакллари ва усулларини такомиллаштириш;

Халқ хўжалиги тузилмасини қайта қуришга ва маблағ сарflash сиёсатини шакллантиришга, тайёр маҳсулотни, халқ истеъмол молларини ишлаб чиқарадиган корхоналарни устун даражада ривожлантиришга, Қорақалпоғистон Республикаси-

ни, республика вилоятлари, шаҳарлари ва районларини комплекс равишда тараққиёт этиришга, ишлаб чиқарувчи кучларни оқилона жойлаштиришга доир таклифларни тайёрлаш;

Баланс ҳисоб-китобларини такомиллаштириш ва халқ хўжалигининг истиқболли натурал-қиймат балансларини тузиш асосида таркиб топган умумиқтисодий, тармоқларро ва ҳудудий номуносибликларни бартараф этишга оид тавсияларни ишлаб чиқиш;

Чуқур илмий-тадқиқотларнинг, илгор технологиянинг, ишлаб чиқариладиган маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг рақобат қилиш қобилиятини таъминлайдиган халқ хўжалигининг илм-фанга асосланган тармоқлари устивор йўналишларини ривожлантириш борасидаги таклифларни асослаб бериш;

хорижий мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, ўзаро манfaatли ташқи иқтисодий, савдо ва илмий-техникавий алоқаларни ривожлантириш, чет эл маблағларидан самарали фойдаланиш, экспорт-импорт ишларини давлат йўли билан тартибга солиш ва рағбатлантириш воситасини та-

комиллаштириш соҳасидаги йўналишларни белгилаш.

3. Шу нарса белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикасининг тараққиёт истиқболини белгилаш қўмитети ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлар вазирликларнинг, идоралар, концернлар, уюшмалар, корхоналар (бирлашмалар), муассасалар ва ташкилотларнинг, маҳаллий бошқарув органларининг, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг бажаришлари учун мажбурийдир.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддат ичида Ўзбекистон Республикасининг тараққиёт истиқболини белгилаш қўмитети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилиши, қўмитетнинг ишлари ва тузилмасини тасдиқлаши зарур.

5. «Ўзбекистон ССРнинг Давлат режа қўмитетини Ўзбекистон ССР иқтисодий қўмитетига айлантириш тўғрисида» 1990 йил 8 декабрдаги фармон ўз кучини йўқотган деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти
И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри,
1992 йил 13 февраль.

ҲОКИМЛАР ТАЙИНЛАНДИ

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги Қонунининг 1- ва 2-бандларига мувофиқ:

Ўртоқ Усмонали УМАРОВ
Чиноз район ҳокими этиб тайинлансин.

Тошкент вилоят ҳокими
С. САЙДАЛИЕВ.

1992 йил 13 февраль,
Тошкент шаҳри.

Халқ депутатлари Чиноз район Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди.

Тошкент вилоят ҳокимининг тавсиясига мувофиқ сессия У. Умаровни Чиноз район ҳокими этиб тасдиқлади. У Умаров 1949 йилда туғилган, ўзбек, олий маълумотли, халқ депутатлари Чиноз район Кенгашининг раиси бўлиб ишлаган.

Сессия ишида Тошкент вилоят ҳокими С. Д. Сайдалиев қатнашди ва нутқ сўзлади.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги Қонунининг 1- ва 2-бандларига мувофиқ:

Ўртоқ Мирзамурод ИК-

РОМОВ Ўрта Чирчиқ район ҳокими этиб тайинлансин.

Тошкент вилоят ҳокими
С. САЙДАЛИЕВ.

1991 йил 14 февраль,
Тошкент шаҳри.

Халқ депутатлари Ўрта Чирчиқ район Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди.

Тошкент вилоят ҳокимининг тавсиясига мувофиқ сессия М. Икромовни Ўрта Чирчиқ район ҳокими этиб тасдиқлади. М. Икромов 1949 йилда туғилган, ўзбек, олий маълумотли, халқ депутатлари Ўрта Чирчиқ район Кенгашининг раиси бўлиб ишлаган.

Сессия ишида Тошкент вилоят ҳокими С. Д. Сайдалиев қатнашди ва нутқ сўзлади.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги Қонунининг 1- ва 2-бандларига мувофиқ:

Ўртоқ Туроқ ХОЛТОВ
Юқори Чирчиқ район ҳокими этиб тайинлансин.

Тошкент вилоят ҳокими
С. САЙДАЛИЕВ.

1992 йил 14 февраль,
Тошкент шаҳри.

Халқ депутатлари Юқори Чирчиқ район Кенгашининг

сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди.

Тошкент вилоят ҳокимининг тавсиясига мувофиқ сессия Т. Холтоевни Юқори Чирчиқ район ҳокими этиб тасдиқлади. Т. Холтоев 1945 йилда туғилган, ўзбек, олий маълумотли, халқ депутатлари Юқори Чирчиқ район Кенгашининг раиси бўлиб ишлаган.

Сессия ишида Тошкент вилоят ҳокими С. Д. Сайдалиев қатнашди ва нутқ сўзлади.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги Қонунининг 1- ва 2-бандларига мувофиқ:

Ўртоқ Эркин РУЗМАТОВ
Паркент район ҳокими этиб тайинлансин.

Тошкент вилоят ҳокими
С. САЙДАЛИЕВ.

1992 йил 14 февраль,
Тошкент шаҳри.

Халқ депутатлари Паркент район Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди.

Тошкент вилоят ҳокимининг тавсиясига мувофиқ сессия Э. Рўзматовни Паркент район ҳокими этиб тасдиқлади. Э. Рўзматов 1940 йилда туғилган, ўзбек, олий маълумотли, халқ депутатлари Паркент район

Кенгашининг раиси бўлиб ишлаган.

Сессия ишида Тошкент вилоят ҳокими С. Д. Сайдалиев қатнашди ва нутқ сўзлади.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги Қонунининг 1- ва 2-бандларига мувофиқ:

Ўртоқ Доинёр ТОШҲУЖАЕВ
Чирчиқ шаҳар ҳокими этиб тайинлансин.

Тошкент вилоят ҳокими
С. САЙДАЛИЕВ.

1992 йил 14 февраль,
Тошкент шаҳри.

Халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди. Тошкент вилоят ҳокимининг тавсиясига мувофиқ сессия Д. Т. Азизхўжаевни Чирчиқ шаҳар ҳокими этиб тасдиқлади. Д. Т. Азизхўжаев 1944 йилда туғилган, ўзбек, олий маълумотли, халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Кенгашининг раиси бўлиб ишлаган.

Сессия ишида Тошкент вилоят ҳокими С. Д. Сайдалиев қатнашди ва нутқ сўзлади.

Қишлоқ хабарлари

КАРТОШКА ЭКИБ

БЎЛИНДИ

● БЕКОВОД ноҳиясидаги «Далварзин» давлат хўжалиги сабзавоткорлари бу йил аҳоли дастурхонини тўқин-сочинлигини таъминлашга ҳисса қўшишни мақсад қилиб олганлар. Шунинг учун улар ҳозирги кунларда энг шимариб ишга киришдилар. Ерга дастлабки уруғ тушди. Деҳқонлар қисқа муддатларда 25 гектар майдонга картошка уруғини экиб бўлдилар.

К. БЕГМОНОВ.

ЕРГА УРУҒ

ТУШДИ

● ҚИБРАҒ ноҳиясидаги «Йўзля Узбекистон» жамоа хўжалиги деҳқонлари ҳам картошка экишни бошлаб юбордилар. Хўжалик деҳқонлари бу йил 55 гектар майдонда ҳосил етиштиришни мўлжаллаётдилар. Шунинг учун 3,5 тоннадан кўпроқ уруғлик ҳозирлаб қўйилган эди. Дастлаб Абдулла Шералдиев бошлиқ бригадаси далаларида экиш ишларига киришилди. Шунингдек, Адҳам Каримов бошлиқ бригада деҳқонлари ҳам ерга карам кўчати ўтказишни бошладилар.

Х. ТОШТЕМИРОВ.

ОДАМЛАР ВА ТАҚДИРЛАР

Рўзномазининг шу йил январь сонларидан бирида «Армон» сарлавҳали мақола эълон қилган, унда қибрайлик Муқимжон Иноғомжонов оиласи тақдир ҳақида сўз-юритган эдик. Муқимжон ака ҳамда унинг оила аъзолари, қариндош-уруғлари сталинча қағатонга учраб, узоқ Украинада сарсон-саргардон бўлишган, кўпчилиги очарчилик туфайли вафот этишганди.

Мақола чиққан, тахририятимизга бир киши кириб келди. У ўзини Муқимжон аканинг ўғли Абдулла Муқимов, деб таништирди, ноҳақ қувғинга учраб, мусофир юртларда фарзандлари дийдорига зор бўлиб, дунёдан ўтган отаси ҳақида ҳақиқатни айтганимиз, унинг руҳини шод қилганимиз учун миннатдорчилик билдирди.

Абдулла ака ҳам тақдир сўқмоқларида узоқ йиллар адашган. Ҳаёт, мақсад учун курашиб, кўнглига тугиб юрган ниятига эришган кишилардан экан. Ҳозирги пайтда Тошкентдаги лойиҳа институтларидан бирида ишлаётган Абдулла ака гап орасида ота уруғларидан бири Обиджон Исломов ҳақида сўз очиб қолди, «шу одамни албатта топинг, боққини ниҳоятда эзилиб юрибди, ичи дард-аламга тўлиб кетган» деди, унинг уй телефони, манзилгоҳини берди.

Келишилган қуни у кишиникига бордим. Шарқона тузатишган дастурхон атрофида чой ичиб суҳбатлашар эканман, етмиш ёшдан ошган отахоннинг қувваи ҳофизасига қойил қолдим; у ўз умр достонини ниҳоятда аниқ тафсилотлар билан ҳикоя қилар, Германиядан юборилган мактубларни немис тилида ўқиб, сўнг мазмунини, тушунтирар, сарғайган ҳужжатлари, газет парчаларини кўрсатарди. Қисқаси, Обиджон ака бизнинг йўқлаб борганимиздан боши осмонга етгудек хурсанд, юрагига тошдек тиралиб турган дард-аламларини айтиб, енгил торғарди...

ЗАМОН нотинч, одамлар юрак олдириб қўйишган. Чойхонадами, бирор йиғин-даврадами, эҳтиётсизлик қилиб, оғзидан «гуллаб» қўйган кишилар бир-иники кундан кейин кўринмай қолишарди. Юқоридан қулоқлар рўйҳатини сўрашар, куйидагилар жонларини жаборборга бериб, ҳатто оддий кишиларни ҳам «бойсан», «муштумзўрсан» деб, қишлоқларни халқ «душман»ларидан тозалашарди.

Қибрайлик Исможон ака жўжабирдек жон. Виров билан иши йўқ, ҳар қуни тирикчилик уммонида шўнғийди: Тошкентга туз, кўмир олиб бориб сотади. Салла ол деса, калла оладиган амалдорларга Исможон ака туз, кўмир сотавериб, «бойиб-бити» кетгандек туюлди. Шундай қилиб, у ҳам «қулоқ»лар рўйҳатига тушди, оиласи билан Украинага сургун қилинди.

Ҳамма нарса ниятга яраша бўлади, дейдилар. Таржима ҳоллар эзилаётганда, партияга киратганда, юқори мансабларга тавсия этилаётганда «камбағал деҳқон оиласида туғилди» деган гаплар керак эди, шу сўзларни байроқ қилиб олгандик, гўё камбағаллик барча бало-қазоларга қалқон бўладигандек туюларди. Ҳеч ким аёл насл-насабини айтмасди, бой ёки савдогар оиласида туғилганини тан олиш ўз-ўзига жаноза ўқиш билан баробар эди. Қарангки, камбағалликни мартаба даражасига кўтаравериб, чинакамга камбағал бўлиб қолдинг.

Обиджон ака дарбадарлида ўтган болалигини эслар экан, шу гаплар кўн-

лига келаверади. Улар «қулоқ» қилинган украин бойлари уйларида яшадилар. Тили, дини бошқа, табиати бутунлай бегона юртда яшаш осон бўлмади. «Қулоқ»лар одам ўрнида кўрилмасди, дардларини биров тингламасди. Кейинчалик Украин ерларида пахта етиштиришга уринишди. Ўзбекистондан борган деҳқонлар кечаю кундуз далаларда ишлашарди. Бироқ, бу жойларда пахта кутган натижани бермади, олинган ҳосил ҳатто ҳаражатларни қоплашга ҳам етмасди. Исможон ака ва унинг бир неча қариндош-уруғлари доимий равишда оч юравериб, касалликка чалиндилар, бевақт вафот этдилар. Обиджон у пайтларда 20—22 ёшларга кирган йигит эди. Бир қуни у онаси Роҳатжон хола, укаси Нуриддинни олиб, яширинча Ўзбекистонга ўтиб кетди. Веш яшар укаси Аъзамжон қулоқ болалари учун очилган боғчада эди, унга болани беришмади. Аъзамжон ўша ерда онасига ички-киб, нобуд бўлди.

Обиджонни Қовунчидаги

Оғир меҳнат, камситишлар жонига теккан Обиджон қочди. Лекин уни Польшада ушлаб олдилар, ундан баттар оғир шароитда ишлатдилар. У ер қазиди, шағал ташиди.

Уруш Совет Армияси га-лабаси билан тугади. Ҳарбий асирларни озодликка чиқардилар. Уларга ким ҳоҳласа ўз ватанига кетсин, ҳоҳламаганларни истаган жойларига юборамиз, дейишди. Обиджон ватанига кетаман деб қарор қилди, қулай фурсат келишини кутди.

Мусофир юртда яқка-ёлғиз яшаш осон эмас, бирортан маҳрамнинг бўлмаса, интиҳосиз қайғу-аламлардан «тарс» ёрилиб кетасан. Обиджон асирликда юриб, немисчани дурустгина ўзлаштириб олганди. Кутилмаганда тақдир уни немис қизи Герда билан учраштирди. Қизнинг ота-онаси йўқ экан, туркистонлик йигит билан турмуш қуришга розилик берди. Тўрт йил



қуни укаси Нуриддиннинг хонадонига чинакам байрам бўлди.

Афсуски, Она Ватанимга қайтдим, деб қувонган Обиджонни бошқа кўргуликлар кутиб турарди. Уни ҳавфсизлик қўмитасида обдон «элак-элак» қилишди. Иш сўраб борган жойларида эса бир хил жавоб оларди: «Биз сиздақа одамларни ишга қабул қила олмаймиз. Ундан кейин меҳнат дафтарчангиз ҳам йўқ экан». Охири қорор-қорор қилди. Бу вазифада

ни айтишди. Бу ердаги маҳкамаларда эса бундай нарса олмадик, дейишди. Бир неча бор турли ташкилотларга мурожаат қилдим. Ҳамма ерда бирор нарсани баҳона қилиб, кўкрагимдан итаришди. Ҳатто, Москвага бордим, у ерда ҳам менга нисбатан совуқ муомалада бўлишди. Қўзим очиқлигида жигарбандларимни бир кўрай деб чунон ҳаракат қилаяпман, ҳеч иш чиқмайпти. Уруш йиллари чет элда бўлиб қайтган одамлар «дело»си устига қора чизик тортиб қўйишаркан. Аммо бизда нима гуноҳ. Ҳатто СССР Ички ишлар вазирлигининг «ҳеч қандай айби йўқ», деган расмий қорози ҳам бор қўлимда.

Сиздан илтимос, Қонун лойиҳаси муҳокамаси бўйича менинг фикримни ҳам чоп этсангиз: маълум сабабларга кўра, давлатлар орасидаги чегараларнинг турли томонларида яшаётган ота-болаларнинг дийдор кўришишига ҳеч ким тўсқинлик қилмасин. Баъзи идоралар, раҳбарлар, ташкилотларнинг бу борадаги тўраларча сунъий ёшларга бэрқам берилсин. Ҳар бир фуқаронинг чет элдаги ўз оила аъзолари билан истаган вақтида дийдор кўришиши таъминлансин».

Обиджон акага «СССРдан юз ўтиргансан» деган тавқи ланъатни ёпиштиришмоқчи ҳам бўлишди. Лекин унинг ватанига сотқинлик қилганлиги тўғрисида ҳеч қандай ҳужжатга эга эмасдилар. Қолаверса, Обиджон ака ўз ватанини жонидан ҳам афзал кўради, шунча йил унга интилиб яшади, мусофир юртларда Ўзбекистонга бағишлаб шеър, газаллар ёзди. У ватанига қайтган дастлабки қунарларида уни жумҳурият радиосига чақиришган, радио орқали «Мусофирман» шеърини ўқиб берган эди.

Бугун Ўзбекистон мустақил давлат бўлди, тақдир тақозоси билан уни тарк этган собиқ туркистонликлар мустақиллик шарофати билан яна ўз ватанларига келиб, ватандошлари билан ҳамкорлик қилмоқдалар, энди ўрдадаги тўсиқлар, бир-бирларига душман деб қараш одатлари йўқ.

Шунча кўргуликлар Обиджон Исмолов (Обидий)нинг пешонасига ёзилган экан. Лекин, энди уни қариган чоғида сўнги илинжидан—хориждаги фарзандларини кўриш умидидан маҳрум этиш инсонпарварлик қондаларига тўғри келмайди. Бизнингча, мутасадди ташкилотлар бу борада собиқ ҳарбий асирга ёрдам беришлари зарур.

Эсон ҚОСИМОВ.

СУРАТЛАРДА: О. Исмоловнинг Германияда тушган расми. Фарзандлари Турдывой ва Урзула, Обиджон ака турмуш ўртоғи Муаттар она, билан.



Собиқ ҳарбий маҳбус Обиджон Исломовнинг бошидан кечирганлари



қулоқлар батальонига ишга юборишди, кейинчалик Тошкент вино заводида ишлади. Уруш арафасида Чорсуга кўчиб келиб, бировнинг уйида ижарада туришди.

Обиджон Исмолов 1939 йили Совет Армияси хизматига кетди. Кейин уруш бошланди, Уларнинг қисми Полтавада гитлерчиларнинг катта ўровида қолди. Немислар асирларни қулден ишлатишди, бугдой ўрдиришди, бошқа оғир юмушларни бажартиришди. Қўламда эса ҳаммасини Германияга олиб кетишди. Обиджон Верлиндаги локомотив заводида ишлади. Маошнинг тайини йўқ, бир маҳал юнидига ўхшаган оқат беришарди. У Ўзбекистонни соғинар, опаси, укалари тушларига кириб чиқарди, баъзан соғинч ҳисларини шеър сатрларига кўчирарди:

Мусофирман, бу ерда меҳрибоним борму? Гам билан оқармаган айтнинг, соҳим борму? Меҳнату гамдин бўлак бир бисотим борму? Куюр жоним ўт ичда, тоқатим борму?

бирга яшадилар, ўғилларига Турди, қизларига Урзула исмларини қўйишди. Лекин кейинчалик Герда билан ажрашди, фарзандларини болалар боғчасига бериб, ўзи кексалар ётоқхонасида ётиб юрди.

Ватанидан кўнгил узмаган Обиджон Бонндаги Совет элчиқонасига келди, арз-додини айтди. Улар унинг манзилини ёзиб олишиб, ўзимиз хабар қиламиз, дейишди. Ниҳоят Москвадан рухсат қорози келди. Фарзандларимни бирга олиб кетай деб ёлиб-югуриб, ялғиз ёлборса ҳам рухсат беришмади...

Йигирма йиллик асирлик, айрилиқ тугади. У энди ўз уйида. Кексайиб қолган онаси Роҳатжон хола худо қайтиб берган ўғлини маҳкам бағрига босиб, узоқ йиғлади, мусофир юртда вафот этган раҳматли турмуш ўртоғи, ўғилчаси Аъзамжонни эслади. Қариндош-уруғлар йиғилдилар. Қуллас, ўша

Йигирма йилдан зивд ишлади...

«Тошкент ҳақиқати»нинг 1988 йил, 6 ноябрь соннда Обиджон Исмоловнинг қуйидаги мазмундаги мактуби босилиб чиқди:

«Мен бир кекса одамман, Сўзимга биров эътибор бермаслигига кўниқиб қолдим. Аммо, Горбачевнинг юз фозиз демократия бўлсин, деб қилаётган ҳаракати мени руҳлантирди. «Тошкент ҳақиқати» газетасида берилган телефон номерларини кўриб, сизларга сим қоқалпман.

Мен тақдир тақозоси билан чет элда оила кўрдим. Бир ўғил, бир қизлик бўлдим. Кейинчалик Ватанга йўл очилиб, уйга қайтдим. Ойлаб эса Ғарбий Германияда қолди. Йиллар ўтди. Бу ерда бошқа оилали бўлдим. Аммо, фарзанд-фарзандда. Хорондаги нурийдиларимни ҳам қўмсайман. Улар анча пайт йиғлаб хатлар ёзишди, мактубларида менга бир неча бор ташриф қорози юборганликларини



● ХАЛҚ ТАЛАНТЛАРИ

Ағабием ба саҳна



ХАР БИР инсоннинг дил-тортар қўшиғи бўлади. Мабодо у овознигор ёки ойна жаҳон орқали ижро этилиб қолса борми, ўша киши бехитёр хонандага жүр бўлиб, хиргойи қилиб юборганини ўзи ҳам сезмай қолади. Хусусан, Фузулийнинг «Ўлдан сўр» радиолари га-зали билан айтиладиган қўшиқ халқимизнинг узоқ йиллардан буён меҳр-муҳаб-батини қозониб келаётган мумтоз ашулалардан бири-ди.

гулари истеъдодли шоиру хонандалар, бастакору му-ганнийлар туфайли неча-не-ча замонларнинг шафқатсиз тўфонларига дош бериб, бизгача етиб келганидан ҳайратга тушганмисиз?

Рамзиддинга эргашиб, мада-нийат уйи қошидаги бадний ҳаваскорлик тўғрисида қат-нади. Ўз касбининг фидойи-си бўлган Маъруф Исма-туллаевдан доира, рубоб ва гижжанда куй чалиш сир-ларини ўрганди. Мактаб ўқувчиларининг санъат бай-рамларида фаол қатнашди.

1978 йилда Тошкентдаги маданий-оқартув техникуми-нинг рубоб бўлимига ўқиш-га кирди. Орада армияда йигитлик бурчини ўтаб қайтгач, тахсилни давом эттирди. Бу даргоҳда Тур-ғун Авазов ва Рихсийов Икромов сингари соз савъ-ти билимдонларидан олган сабоқлари унинг қалбидеги меҳр-муҳаббат чўғини ала-нга олди.

Ҳар гал мақом қўшиқла-рини сеҳрига мафтун бў-либ тинглар эканман, улар-даги беқисс нафосатдан им-кон қадар завқ олишга ҳа-ракат қиламан. Оврўпача таълим-тарбия орқали вояга етган аксарият ёшларимиз маънавий хазинамизнинг бу бебаҳо дурдоналаридан бе-баҳра ўсишга танидан изти-роғга тушаман.

Оловиддин ўқишни та-момлагач, 1984 йили Хоно-бод маданият уйида мудир сифатида иш бошлади, айни пайтда шу ердаги «Таран-нум» дастасида ҳам қат-нашди. Техникумда олган назарий билимларини амал-лий жиҳатдан мустақам-лаб борди. Ушанда мусиқа шинавандалари тилидан Ше-

Шундай бўлса-да, санъатга бўлган меҳр-муҳаббат улар-ни бирлаштирган.

Ноҳияда ўтказилаётган кўпгина маданий тадбирлар ва халқ сайилларида улар сидқиқидан хизмат қилиб келишаётир. Хусусан, ўт-ган йили ҳаваскорлар Нав-рўз ва Мустақиллик куни шодиёналари қатнашчили-рига ўзларининг дилрабо куй ва қўшиқларини тақдим этишди. Шунингдек, халқ талантлари ноҳия ёшлари иттифоқи қўмитасининг та-шабуси билан уюштирил-ган «Латофат» ва «Намо-лот» кўрик-танловларида ҳам фаол қатнашди. Бу-лардан ташқари ҳаваско-рлар вилоятимиз меҳнат аҳ-лининг тўй-маъракалари файзига файз қўшишмоқда. Ахир ўзбекининг тўйини санъ-аткорсиз тасаввур қилиш мумкинми?!

«Тараннум» дастаси ҳа-васкорлари ноҳиянинг барча хўжаликларида, ишлаб чи-қариш корхоналари ва ма-даний-маърифат муассаса-ларида тез-тез меҳмон бўлиб туришади. Улар кейинги пайтларда «Қорасув», «Пар-тия XXI съезди» давлат хўжаликлари ва «Тошкент-1» иссиқхона-компинати ишчилари ҳузурда бўлиб, ўзларининг концертлари би-лан кишиларга завқ-шавқ улашди.

Инсон орзу-ҳавассиз яшай олмайди. Оловиддиннинг ҳам режалари жуда кўп. У «қозирги пайтда кишилар-нинг кўнглига йўл топиш осон эмас. Шунга қарамай муҳлисларим кўпайишни, келгусида жумҳурият «На-молот» кўрик-танловларида қатнашиб, ўз қўшиқларим билан овознигор ва ойна жаҳон орқали ҳам эл-юрти-миз назарига тушишни орзу қиламан», дейди. Биз ёш хонанданинг бу эзгу ниътла-ри рўйга чиқишига тилак-дошмиз. Тинимсиз изланиш, устоэлар тақрибасидан са-боқ олиш, қўшиқ шинаван-даларининг умид ва ишончи сенга қанот бўлсин, Оловид-дин!

Р. ҒАНИЕВ.

МАШХУР КИШИЛАР ХАЕТИДАН

ЁЗУВЧИНИНГ ТУШИ

СЕВИМЛИ адбимиз Абдулла Қодирийнинг ўғли — шифокор ва ёзувчи Ҳабибулла Қодирийнинг шохидлик бериш-ча, ўзбек романчилик мактабининг асосчиси тушида Л. Н. Толстойни кўрган. Рус адби унга роман ёзишни мас-лахат берган экан.

— «Меҳробдан чаённи ёзишга тайёрландим», — дейи-лади Ҳ. Қодирийнинг отаси ҳақидаги хотиралар китобиди.

— Ҳамма нарса тахт: роман-нинг шакли, қаҳрамонлари, воқеалари, асарнинг қандай хотимлангани кўз олдимдан давра олиб ўтиб туради. Аммо ишни қаердан, нимадан бош-лаб, даврага қандай кириб бориш масаласи мени уйланти-рар, қийнар эди, деган эди дадам бир вақт онлавий ўти-ришда. — Бир кун туш кўрдим. Гўё Маҳдум домла гўшт, пизэ кўтариб маскидан чиқиб кел-лар ва узоқдан мени ўзига имлаб, қўлидагиларни кўр-сатар эди. Уйғониб кетдим. Анабланиб, хаёл сурйиб ўтдим ва бирдан қувониб кетдим. Чунки ишнинг учи топиланган, романинг қандай ва қаердан бошлангани аниқланган эди...»

А. АЛИЕВ тайёрлаган.

● Кулинг, дўстлар умрингиз узаяди!

ҲОЗИРГИ смёсий, иқтисодий ва маънавий ин-қироз тобора чуқурлашиб бораётган бир пайтда қаёққа қарамаиш одамларнинг қиёфаси жиддий-лашиб, ҳатто туйқлашиб кетмоқда. Дўст-оғайни-ларнингиз, қўни-қўшни ва қавм-қариндошларингиз билан учрашсангиз, гапнинг индаллоси парх-навоининг кун сайини, ҳатто соат сайини кўтарилиб бораётгани, гоҳ у-гоҳ бу нарсанинг тақчиллиги-дан ҳасрат эшитасиз...

Шунга қарамай халқимиз ҳазил-муйтойба, ўйин-кулги, аския ва томонларини унутмайди. Аччиқ бўлса-да, ҳақиқатини баралла айтувчи бадний сўз усталари, қизиқчилар, муқаллидчилар, мас-харабозлар кулги воситасида ижтимоий иллат-ларни фох этибгина қолмай, кишилар қалбиди ҳаётга меҳр-муҳаббат, келажакка умид ва ишонч уйғотиб келишмоқда.

Бугун биз тошкентлик қизиқчи Шукрулло **МАҲКАМОВ** бисотидан олинган шигиш ҳаж-ларини муштарийлар ҳукмига ҳавола этарканмиз, халқимизнинг машҳур санъаткори Юсуфжон қи-зиқ Шакаржоновнинг даъватини яна бир бор ёдингизга соламыз: **КУЛИНГ, ДЎСТЛАР УМРИН-СИЗ УЗАЯДИ!**

ҲОЗИРЖАВОБ

БИР ОТА ўғлининг баҳо-ларини кўриб қойибди:

- Ҳа, одобсиз, яна «и-ки» олдингми?
- Нима бўпти?
- «Нима бўпти» эмиш. Сенинг ёшингда доҳиймиз мактабда энг «аълочи» ўқувчи бўлган, шуни била-санми?
- Биладан.
- Билсанг, нега яхши ўқимайсан?
- Кечирасизу, дада, до-ҳиймиз сизнинг ёшинида илқилоб қилганлар.

ҚУПОЛ ҲАЗИЛ

БИР АКАХОНИМИЗ ширкат ошхонасига кирибди-лар.



тивчилар ҳамма ишни қили-шади. Сен қовуриб бергин, мен пулини тўлайман.

— Тўлайсиз-а?
— Қизиқ экансанку, қани тайёрла.
Шундай қилиб беданани сўйиб, гўштини қовуришни бошлашди. Жониворнинг ўзи кичкина, патини юлиб, қовурса яна ҳам кичкина бўлар экан. Тайёр бўлгач, хўрандининг олдида олиб келишибди.

— Мана, акажон, бедана-нинг ўзи 500 сўм, қовуриб тайёрлаш 20 сўм, жами 520 сўм бўлади, марҳамат, ёқим-ли иштаҳа!

— Вой-бў, шунча бедана-ни бир ўзим қандай ейман? Менга шундан 3 сўмлик ке-сиб бергин...

«БИЛИМДОН» ТУТИ

КАРВОН дашта кетаёт-ган экан, уни бир тўда қа-роқчилар ўраб олишибди. Шунда карвонбоши:

— Тамом! — деган экан, доимо ёнида турадиган тў-тиси:
— Нима тамом, тамом эмас, йўли бор. Сиз қароқ-чи бошлигининг олдида бо-риб, юзига бир туфланг, — депти.

Карвонбоши қароқчилар бошлигининг ҳузурига бо-риб, юзига бир туфлаган экан, тўти осмону фалакка парвоз қилиб, қийиқарар эмиш:

— Ана, энди тамом, эн-ди тамом!..

Шукрулло МАҲКАМОВ.

ШУКРУЛЛО ҚИЗИҚ БИСОТИДАН

- Ҳўш, биродар, қандай таомлар бор?
- Ошпаз:
- Бизда, акажон, палов, шўрва, ҳасип, норин, кабоб бор.
- Табаки йўқми?
- Табакига товук йўқ, бўлса сизга дарров тайёрлаб

- берардик.
- Анаву тўрқовондаги беданамми?
- Ҳа, 500 сўмлик бедана.
- Ушани қовуриб берол-майсанми?
- Йя, эсим жойидамм, бу бедана 500 сўм туради!..
- Нима бўпти, коопера-

● ЯНГИ НАШР

«САМАНДАР»НИНГ ОЙНОМАСИ ДУНЁГА КЕЛДИ...

РУЗНОМАМИЗНИНГ ўтган йил 27 сентябрь сонида «Самандар» — ўтда ёнамас дегани мақоласи чоп этилган эди. Унда янги ташкил қилинган «Самандар» Ўбекистон—Ҳиндистон қўшма корхонаси ҳақида сўз юритилган эди. Мақолада муҳбиримизнинг «Нима учун қўшма корхонага «Самандар» деб ном қўйилган?» деган саволига корхона бош директори Мухтабар Каримова шундай жавоб қайтарганди:

ринчи сонини улар билан бирга варақлаб кўрдик. Ойноманинг биринчи сони чиқиши билан уни муассислар қаторида Ўзбекистон кинематографчилар уюшмаси раиси, СССР халқ артисти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Давлат мукофоти лауреати Малик Қайумов ҳамда Ўзбекистон халқ артисти, Ҳамза мукофоти лауреати, кинорежиссёр Латиф Файзиев чин дилдан қутлаганлар. Санъатшунослик ном-



зоди Саодат Хўжаева «Биз нега ҳинд киносини ёқтира- миз?» мақоласида шу савол- нинг ўзига жавоб беришга ҳаракат қилган. «Бош му- ҳаррир минбари» рункида Мухтабар Каримова мушта- рийларни ойноманинг мақ- сади, бўлғуси режалари би- лан таништиради.

Олдиндан режалашти- рилганидек, ойномада ҳинд киноси, унинг ижодкорлари- га кенг ўрин берилган. «Ка- ришма Капулар хонадонига баҳо беради» мақоласида сиз унинг Притвираж, Раж, Шаши, Шамми, Рандхир, Риши ва Ражив Капуларга бўлган муносабати ҳақида билиб оласиз. Ойноманинг бир саҳифаси Голливуддаги «ғийбатлар»га ажратилган бўлиб, унда кўпгина Аме- рика «юлдузлар»ининг ҳаё- тидан лавҳалар ўқиш мум- кин.

Қисқа умр кўрган, лекин шунга қарамай санъатда ёр- қин из қолдирган ижодкор- лар номини халқимиз доим ҳурмат билан тилга олади.

Тўғон Режаметов ҳам ана шундай санъаткорлардан би- ри эди. Унинг эжранда ва саҳнада икром этган ролла- рини томошабинлар ҳаминча севиб томоша қилишган. «У шундай одам эди-ки...» ма- қоласи ана шу инсон хотира- сига бағишланади.

Чет эл ва шу қаторда ҳинд фильмларининг ўзбек томошабинлари қалбидан мустаҳкам жой олишида дуб- ляжчиларнинг яъни карти- наларни бошқа тиллардан ўзбек тилига таржима қи- лувчиларнинг ҳам муносиб ҳиссалари бор. «ФильмS»- нинг биринчи сонида режис- сёрлардан Йўлдош Абдука- римов, Мирғиёс Соатов, ак- тёрлардан Обид Юнусов, Ҳожиакбар Нурматов, Рим- ма Аҳмедова, Элёр Носи- ров, Тўлқин Тоқиев ва Те- ша Мўминовлар ана шу со- ҳада бажарган ишлари ҳа- қида ўртоқлашадилар.

У. Абдушоҳидовнинг «Мирзабек...» мақоласи билан бирга сўз устаси Мир- забек Ҳолмедовнинг «бор йўғи» 11 сурати чоп этил- ган. Лекин ҳаётда бўлгани каби уларнинг бирортасида ҳам ўхшашлик топа олмай- сиз. Суҳбат эса асосан Мир- забекнинг фильм ва мульт- фильмларга овоз бериши ҳақида боради.

«ФильмS»нинг биринчи сони босмадан чиқди. Биз ойнома ижодкорларини де- боча билан табриклар экан- миз, бир нарсадан фахрла- нишга ҳақлимиз. «Тошкент ҳақиқати»да турли йиллар давомида самарали ижод қилиб келган Убайдулла Аб- душоҳидов «ФильмS» бош муҳаррирининг ўринбосари бўлса, рўзномамизнинг «но- нини еганлардан» яна бири — Миржалол Миралиев ой- номада масъул котиб вази- фасини бажараяпти.

Ойнома ва рўзномалар учун рақобат ҳозир ким қо- гозни тез ва арзон нархда топа олиши ҳақида бормоқ- да. Бу кунлар ўтар-кетар. Кейин эса соғлом, ижодий рақобат бошланади. Биз «ФильмS» ижодкорларига ўзлари кўзлаган режала- рини муваффақиятли амал- га оширишларида тилак- дошмиз.

Аброр ИМОМХУЖАЕВ.

Айланалар бўйича: 1. Қиш- лоқ хўжалигининг ҳўл меза этиштириш соҳаси. 3. Шакар қиёмидан тайёрланган ширин- лик. 6. Қаттиқ жинсдан санъат асари бўлиб этувчи касб эга- си. 9. Узун думли митти қуш.


Ейлар бўйича: 2. Тошкент вилоятидаги шаҳар. 4. «Сен етим эмассан» фильми режис- сёри. 5. Ҳунармандчиликнинг турли буюмлар ясаш қурил- маси. 7. Тошкент билан би- родарлашган Африка қитъа- сидаги шаҳар. 8. Эришилган

муваффақиятни тақдирлаб бе- рилмаган нарса. 10. Тошкент вилоятидаги ноҳия. 11. Кварц, чақмоқтош каби тоғ жинслари таркибидagi қимматий элемент. 12. Чорвачилик маҳсули, мўй- на.

Марказдаги айлана бўйича: 14. Коинотда чақмоқ гулду- роси.

Энига: 15. Тигни ўтириш асбоби. 16. Серсоя дарахт. Бўйига: 13. Оқланган галла дони. 17. Эстрада дастаси. Ф. ОРИПОВ тузган.

• БОШҚОТИРМА •



• Лирик қатра

ТАНҲОГИНАМ

МЕНГА рассомлик истеъдо- ди насиб этмаганидан кўп аф- сус чекаман. Агар мусаввир- лик иқтидорим бўлса эди фа- қат биттагина сурат чизардим, холос. У — сенинг тасвиринг бўларди!

Тунлари бедор осмонга ти- киламан. Лабларим беихтиёр пичирляйди: «О, Танграм, мендан саховатингни дариг тутма, лоақал бир неча муд- датга бўлса ҳам рассомлик истеъдодини ато эт!».

Эвоҳки, ўтинчларим барчаси беҳуда. Назаримда, сенинг жонли сиймонгни яратган Ал- лоҳ бу гўзаллик бетакрор қолмоғини истайдир. Йўқса, тилакларим бажо бўлиб, мен мусаввирлик иқтидорига эти- шардим. Мен ҳам Тангрининг ҳукму хоҳишига ҳайрихоҳман — сен дунёда шундай —яго- налигингча қолгин, о менинг танҳогинам! Ҳар кеч энди мен шуни тилак қилай. Умид бор- ки, Аллоҳ ҳам бу тилагимни қабул этгай!

Гарчи Танграм менга рас-

сомлик лаёқатини буюрмаса- да, лекин баҳоли кудрат қа- лам тебратмоқдан маҳрум эмасдир. Мен шунга шукро- на айтиб, сенинг васфингу тасвирингни сўзда-да чизмоқ- ни ўзимга одат қилдим. Тарки одат эса амри маҳолдир!

Сенга ойини монанд десам кўнглим ҳижолат тортадур. Тоб бермайин ҳатто кўёш оху надомат тортадур. Қошларинг деб ёйини чизсам синди белидни ул камон, Тиг заҳми кетгай, кинригинг битмас жароҳат тортадур. Ҳамма ошиқ айрилиқда бўлса гирёну истаманон, Мен сени кўрган маҳалда жисмим ҳарорат тортадур. Кокулинга боғланиб дил тушди изингди, биламдир— Толени ё васлинг дами ёни ҳалокат тортадур!.. Васфинг этурга Дилмурод олганди довод, ки қара — Лоақал бир сўз тополмай беҳуда заҳмат тортадур.

Дилмурод САИДОВ.

• ЭЪЛОН •

Халқлар дўстлиги саройида

5 МАРТ СОАТ 18.00 ДА

«ИСТИҚБОЛ» ёшлар маркази, Ўзбекистон Давлат телерадио эшиттириш компанияси билан ҳамкорликда ўтказилган конкурс қатнашчилари ижросидаги кон- цертга

ТАКЛИФ ЭТАДИ

КОНЦЕРТ ДАСТУРИДА ҚАТНАШАДИЛАР:

хонандалар
СИДДИҚ МАХМУДОВ,
ЖАЛОЛИДДИН УСМОНОВ,
ЮЛДУЗ АБДУЛЛАЕВА,
ДОНИЕР ТОШМУҲАМЕДОВ.

• ЭЪЛОН •

РАВШАН НОМОЗОВ.

«ҚИЗИҚЧИ-90» кўрик-танловининг совриндорлари:

АВАЗ ТОЛИБЖОНОВ,
ШУКРУЛЛО МАҲКАМОВ

ҳамда талаба-ёшларнинг «НАВРЎЗ» байраминга бағишланган учинчи анъанавий

„ИСТИҚБОЛ-92“

КОНКУРСИ ВУЛИБ УТАДИ.

Дастурни — Зокир ХУДОЙБЕРДИЕВ олиб боради. Чипталар ҳар куни соат 11.00 дан бошлаб сарой чип- тахоналарида метронинг «Пахтакор», «Октябрь инқило- би», «Максим Горький» бекатларида сотилмоқда. Те- лефон: 45-92-13.

Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШ- КЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГА- ШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНА- ЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.